

Қўшимча ҳақ олиш ҳаромми?

18:39 / 24.04.2016 3306

Мени бир нарса қийнаяпти. Ўз қиладиган ишим учун ойлик маош оламан. Баъзида «қўшимча» ҳақ ҳам бўлиб туради, яъни бажарган ишимга пул сўрамасам ҳам кўпинча бериб кетишади. Лекин бу ишни ундан пул олиш мақсадида қилмаганман, бу менинг вазифам. Бунинг ҳукми қандай? Бу пуллар менга ҳалолми ёки пора ҳисобланадими?

ЖАВОБ: Агар ўша пул бераётган одам ўз ихтиёри билан берган бўлса, бунинг ҳеч қандай зарари йўқ. У сизни ишни яхши бажарганингиз учун рағбатлантириш ниятида берган бўлади. Бу нарса пора эмас. Баъзилар уни “чой пули” деб аташади, араблар эса, “бахшиш” дейди. Пора тамоман бошқа нарса (Аллоҳ билувчидир).